



CONCEPT "CHILD'S RIGHTS PROTECTION" AND SUBSTANTIAL ANALYSIS

Karimova Sadoqat Gulboevna

Law enforcement academy master's

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12732444>

ARTICLE INFO

Received: 06th July 2024

Accepted: 11th July 2024

Online: 12th July 2024

KEYWORDS

Child, child rights, Beijing Rules, UN General Assembly.

ABSTRACT

In this article, the opinions of our legal scholars and foreign legal scholars on the protection of children's rights in our country were scientifically analyzed, and the author developed the concept of child protection.

“БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ” ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ ТАҲЛИЛИ

Каримова Садоқат Гулбоевна

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12732444>

ARTICLE INFO

Received: 06th July 2024

Accepted: 11th July 2024

Online: 12th July 2024

KEYWORDS

Бола, бола ҳуқуқлари, Пекин қоидалари, БМТ Бош Ассамблеяси.

ABSTRACT

Ушбу мақолада юртимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид ҳуқуқшунос олимларимиз ҳамда хорижий ҳуқуқшунос олимлари фикр-мулоҳазалари илмий таҳлил қилиниб, муаллиф томонидан бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тушунчаси ишлаб чиқилган.

Маълумки, болалар ҳар доим давлат ва жамият томонидан ғамхўрлик қилиш ва қўллаб-қувватлашга муҳтождирлар. Бу уларга Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси билан берилган ҳуқуқдир. Яъни декларациянинг 25-моддасида таъкидланганидек: “Оналик ва болалик алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқини беради”¹. Шу боис, ҳар бир давлатда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам бола ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ёш авлод тарбияси Ўзбекистон учун яна шуниси билан ҳам ҳаёт-мамот масаласи ҳисобланадики, мамлакатимиз аҳолисининг 40 фоизини 18 ёшгача бўлган болалар, 60 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Шу сабабли, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналиши болалар ва ёшларнинг жисмоний, интеллектуал ва маънавий ривожланиши учун қулай ва энг яхши

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган) // Электрон манба: <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights> (мурожаат вақти: 15.02.2024).



шароитларни яратиш, шунингдек кўп болали оилаларни, етим болаларни ва оила муҳитидан махрум бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳисобланади².

Бола ҳуқуқлари кафолатининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларида мавжуд бўлган муаммоларни тадқиқ этишдан аввал, “бола ҳуқуқлари ҳимояси” тушунчасининг моҳиятини аниқлаштириш талаб этилади.

“Бола” тушунчасининг мазмунини турли манбаларда кузатиш мумкин. Жумладан, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг (1989 йил 20 ноябрь, Нью-Ёрк) 1-моддасида қайд этилишича, “18 ёшга тўлмаган ҳар бир инсон зоти, агар болаларга нисбатан қўлланиладиган қонун бўйича у эртaroқ балоғатга етган деб топилмаса, бола ҳисобланади”.

Мазкур халқаро стандартдан андоза олиш асосида миллий қонунчилик нормаларида ҳам ушбу тушунчага таърифлар берилган. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 22, 27, 29-моддаларида³, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 71-моддасида⁴, Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги⁵ қонунининг 3-моддасида мазкур атама ифодаланган. Умумий қоидага кўра, бола (болалар) — ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар) ҳисобланади.

Алоҳида қайд этиш лозимки, юридик адабиётларда, шунингдек, халқаро ва миллий ҳуқуқий ҳужжатларда “бола” тушунчаси билан бирга “вояга етмаган болалар” тушунчаси ҳам кенг қўлланилади. Жумладан, БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 10 декабрдаги “Пекин қоидалари”да (2.2-моддаси) қуйидаги таъриф келади: *“вояга етмаган деб ҳуқуқбузарлик учун мавжуд ҳуқуқий тизим доирасида катта ёшдагилар тортиладиган жавобгарлик шаклидан фарқ қиладиган шаклдаги жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган бола ёки ёшга айтилади”*.

Мазкур таърифда муайян, аниқ ёш кўрсатилмаганлиги сабабли “вояга етмаган бола” атамаси мавҳумроқ. Шу нуқтаи-назардан Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда келтирилган тушунча энг аниқ атама ҳисобланади. “Бола” ҳамда “вояга етмаган” тушунчалари масаласида Конвенцияда “бола” тушунчасига таъриф берилганлиги сабабли ҳуқуқий адабиётларда қонунчиликдан “вояга етмаган” атамасини чиқариб ташлаб, унинг ўрнига “бола” атамасини қўллаш масаласи мутахассислар томонидан илгари сурилмоқда. Шунингдек, улар томонидан қонун ҳужжатларида “вояга етмаган жиноятчилар” каби изоҳлар бўлмаслиги кераклиги тўғрисида фикр билдирилмоқда. Улар ўрнига “вояга етмаганларга нисбатан судлов” ва “жиноий судлов тизимида болалар” атамаларини киритиш таклиф этилмоқда. Бу

² Бола ҳуқуқлари мониторинги. Ўқув-услубий қўлланма / Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2011. – Б. 5.

³ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/111189> (мурожаат вақти: 21.02.2024).

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси // Электрон манба: <https://lex.uz/acts/104720> (мурожаат вақти: 21.02.2024).

⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-139-сон Қонуни // Электрон манба: <https://lex.uz/acts/1297315> (мурожаат вақти: 21.02.2024).



атамалар устуворлиги шундаки, улар нейтрал характерга эга бўлиб, таҳқиромуз кўринишга эга эмас⁶.

Ф.М.Отахўжаевнинг таъкидлашича бола деганда, амалдаги кодексларда қуйидаги иборалар ишлатилади: “бола”, “гўдак”, “эмизикли бола”, “кичик ёшдаги бола”, “ўспирин”, “вояга етмаган болалар”. Вояга етмаган болалар деганда 18 ёшга тўлмаган болалар тушунилади⁷. Ш.Р.Юлдашева ҳам 18 ёшга тўлмаган шахс вояга етмаган ҳисобланади тарзидаги таъриф билан юқоридаги тушунчани такрорлайди⁸.

Ш.Ғанибоева бола тушунчасига ўзининг фикрини билдирар экан, 18 ёшга тўлганларга нисбатан турли тушунчалар – “бола”, “вояга етмаган шахс”, “ёш”, “ўсмир” ва бошқалар қўлланилишини билдиради⁹. Ушбу юқоридаги фикрлар бизнинг нуқтаи назаримизда “вояга етмаган шахс” тушунчасини ўзида тўлиқ акс эттира олмайди.

Чунки, ёш (ёшлар) тушунчаси бугунги кунда ҳуқуқ тизимида алоҳида кенгрок мазмунга эга категория сифатида қаралади. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, “**ёшлар (ёш фуқаролар)**” деганда – ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар тушинилиши лозимлиги қайд этилган¹⁰. Кўриниб турибдики, болалар ва ёшлар тушунчалари ўзаро ён чегараси билан ўзаро тафовутга эга бўлмоқда.

Ҳуқуқшунос олим Н.Н. Дусмухамедованинг бу борадаги қарашлари диққатга сазовор бўлиб, унинг фикрича: “бола” атамаси билан “вояга етмаган” тушунчасини бирхиллаштириш мақсадга мувофиқ. Бунда “бола” атамасига нисбатан “вояга етмаган” атамаси изоҳ, таъриф сифатида қабул қилиниши лозим. Бола деганда — инсон ҳаётининг 18 ёшгача бўлган, тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган даврини тушуниш мақсадга мувофиқ”¹¹. Бизнингча ҳам, мазкур қарашни аксиома сифатида қабул қилиш мумкин. Шунингдек, миллий қонунчиликда ушбу атамаларнинг мазмунини ягона шаклда ифода этиш мақсадида барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда “бола” тушунчасидан фойдаланиш тавсия этилади.

“Бола ҳуқуқлари” тушунчасига келсак, “ҳуқуқ” ва “эркинлик” атамалари моҳиятини таққослаш талаб этилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси¹² нормалари (VII, X боблар) таҳлили ушбу икки категориянинг ёнма-ён ишлатилишини кўрсатади. Мазкур тушунчалар ўртасидаги чегара шартли равишда қўлланилади. Ҳуқуқ юридик жиҳатдан аниқ ифодаланган категориядир. Эркинлик тушунчаси кенг маънога эга тушунча бўлиб, уни ифода этиш вариантлари турличадир. Масалан, эркинликни юридик жиҳатдан мустақамлаб қўйиш (ҳар кимнинг фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги) ёки

⁶ Международный обзор уголовной политики № 49-50. 1998-1999 гг. ООН и преступность среди несовершеннолетних: Руководство по международным стандартам и наилучшим видам практики. ООН. Нью-Йорк, 1999. – С.11.

⁷ Отахўжаев Ф.М. Ўзбекистон Республикасининг оила ҳукуки. – Тошкент, ТДЮИ, 2005. – Б. 159.

⁸ Юлдашева Ш.Р. Фуқаролик ва оила ҳукукида васийлик ва хомийликнинг моҳияти ва уни амалга ошириш усуллари. дисс. ю.ф.н. – Тошкент, Б. 46.

⁹ Ғанибоева Ш. Международно-правовая защита прав ребенка. – Ташкент, Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2003. – С. 6.

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сон Қонуни // Электрон манба: <https://lex.uz/acts/3026246> (мурожаат вақти: 23.02.2024).

¹¹ Дусмухамедова Н.Н. Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланиши ва такомиллаштириш муаммолари: юрид. фан. фалс. докт. (PhD) дисс. ... автореф. – Т., 2021. – Б. 12.

¹² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (30.04.2023) // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/6445145> (мурожаат вақти: 21.02.2024).



мустаҳкамлашнинг иложи бўлмаслиги (дўстона учрашувларда, оилада эркинлик) мумкин.

Бола ҳуқуқлари ҳуқуқ ривожланишининг давомийлиги жараёнида инсон ҳуқуқларининг бир қисми, айтиш мумкин. Бола ҳуқуқларига “инсон ҳуқуқлари”га нисбатан кўпроқ инсон эҳтиёжлари нуқтаи-назаридан қаралганлиги тўғрисидаги фикрга қўшилмасликнинг иложи йўқ¹³. Шу боис бола ҳуқуқларини инсон ҳуқуқларидан айри ҳолда кўриб чиқиш тўғри эмаслигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Ҳуқуқшунос олимлар ўртасида ҳам “бола ҳуқуқлари” тушунчаси моҳиятини ёритишга қаратилган турлича ёндашувларни кузатиш мумкин. Д.Абдулхайрзоданинг фикрига кўра, бола ҳуқуқлари бу – болага тегишли бўлган ҳуқуқлар тизими ҳисобланади¹⁴. Таърифдан кўриниб турибдики, унда бола ҳуқуқларининг ўзига хос хусусиятлари ва ҳуқуқий доирасига аниқлик киритилмаган.

Н.С. Еряшкина томонидан берилган илмий таърифда келтирилишича, бола ҳуқуқлари – кўпқиррали ва кўпжиҳатли ҳодиса бўлиб, шахснинг ажралмас хусусиятлари, халқаро ва миллий ҳуқуқ нормалари билан мустаҳкамланган имкониятлари тизимидир¹⁵.

Бола туғилган вақтдан бошлаб, бир қатор ҳуқуқларга, шу жумладан: яшаш ҳуқуқига (имкониятига) (Конституция, 25-м.), шахсий дахлсизлик ҳуқуқига (Конституция, 27-м.), шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлиги (Конституция, 26-м.) ҳуқуқларига эга бўлади.

Бола ҳуқуқлари фундаментал характерга эга бўлиб, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбуриятидир.

Шунингдек қайд этиш лозимки, бола инсон зотининг энг ҳимояланмаган қисми ҳисобланади. Унинг ҳуқуқий мақоми ёш чекловларини инобатга олган ҳолда, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқий мақомидан келиб чиқади. Инсон ҳуқуқлари — инсоннинг давлат билан муносабатидаги ҳуқуқий мақомини, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳалардаги имкониятлари ҳамда даъволарини тавсифловчи тушунча ҳисобланади¹⁶. Бу ўринда шахс ва давлат ўртасидаги муносабатларга алоҳида урғу берилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бошқа ҳуқуқлардан икки жихати билан ажралиб туради: *биринчидан*, ҳар бир инсон инсон сифатида мавжуд бўлгандан буён бу ҳуқуқга эгалик қилади. Инсон ҳуқуқларини келтириб бериш ёки бирор жойдан сотиб олиш мумкин эмас. Маълум бир қонун доирасида инсон ҳуқуқлари бўлинмайди ва тенг даражада ҳар бир инсонга тегишли бўлади. *Иккинчидан*, инсон ҳуқуқларини назорат қилиш мажбурияти бошқа шахсларга эмас, балки давлат ва унинг органларига юклатилган.

¹³ Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т. Одиқориев, И.Т. Тультеев ва бошқ. –Т.: «Шарқ», 2009. – Б. 343.

¹⁴ Абдулхайрзода Д. Права ребенка как юридическая конструкция // Вестник Науки и Творчества. – 2018. – № 7 (31). – С. 9.

¹⁵ Еряшкина Н.С. Понятие прав ребенка в Российском праве // «Научно-практический электронный журнал Аллея Науки» – 2021. – № 12 (63). – С. 2.

¹⁶ Курбонов Ш. “Инсон ҳуқуқлари ва аёлларга нисбатан тазйиқ тушунчаси” // Электрон манба: <https://mingbuloq.uz/index.php/yangiliklar/468-inson-u-u-lari-va-ajollarga-nisbatan-tazji-tushunchasi> (мурожаат вақти: 23.02.2024).



Бошқача сўз билан айтганда, давлатлар зиммасида инсон ҳуқуқлари бузилишини олдини олиш ва бирор-бир шахснинг ҳуқуқлари бошқа бир шахслар томонидан бузилишидан ҳимоя қилиш мажбурияти ётади.

Бола ҳуқуқлари бу – бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро қонунчиликда мустаҳкамланган бола ҳуқуқлари йиғиндиси. В.И. Абрамовнинг фикрича, бола ҳуқуқлари – инсон ҳуқуқларининг болаларга нисбатан бўлган қисмини ифодалайди. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми эса, унинг ҳуқуқларини амалга оширишни таъминлаш учун фойдаланиладиган ўзаро таъсир қилувчи ижтимоий-ҳуқуқий воситалар тизимидир¹⁷.

Ф.Шариповнинг фикрича, *“бола ҳуқуқлари – болага нисбатан инсон ҳуқуқлари тоифаси, ирқи, жинси, тили, дини, туғилган жойи, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкйлиги, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар бир бола эга бўлиши керак бўлган ҳуқуқ ва эркинликлар”*¹⁸.

Мазкур таърифнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда бир қатор универсал хусусиятлар ўз аксини топган. Масалан, болага тегишли ҳуқуқларга тенглик принципи асосида ёндашиш. Шунингдек, ушбу ҳуқуқларнинг инсон ҳуқуқлари тоифасига мансуб эканлиги эътироф этилган.

Умуман олганда, бола ҳуқуқлари тушунчаси замонавий ёндашувлар асосида таҳлил этилган ва методологик жиҳатдан чуқур тадқиқ этган ҳолда *“бола ҳуқуқлари – бу инсон ҳуқуқларининг муҳим ва ажралмас таркибий қисми бўлиб, инсоннинг ўн саккиз ёшгача бўлган даврида фойдаланиладиган ҳуқ-атвор қоидаларининг йиғиндисидир”* деган таъриф бериш мумкин.

Бола ҳуқуқлари институтининг ҳуқуқий мақоми масаласи ҳам бугунги кунда мутахассислар ўртасида турли муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Н.Н. Дусмухамедова томонидан олиб борилган социологик тадқиқотларда келтирилишича, мутахассисларга *“Сизнингча, бола ҳуқуқлари ҳуқуқ тизимида қандай ўринга эга?”* деган савол билан мурожаат қилинганда, сўровда иштирок этганларнинг 44 фоизи – бола ҳуқуқларини алоҳида ҳуқуқ соҳаси сифатида баҳолаш мумкин, 25 фоизи – бола ҳуқуқларини мураккаб ҳуқуқ институти сифатида баҳолаш мумкин, 21 фоизи – бола ҳуқуқларини тармоқлараро ҳуқуқ институти сифатида баҳолаш мумкин, дея жавоб берган бўлса, сўралганларнинг қолган 10 фоизи бошқача мазмундаги ўз мустақил фикрларини билдирганлар¹⁹.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, бугунги замонавий ҳуқуқ тизимида бола ҳуқуқлари алоҳида мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида шаклланиб улгурган дейин мумкин.

“Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” категорияси ҳам тадқиқот мавзусини ёритишда зарур бўлган атамалардан бири бўлиб, унинг моҳиятини ёритиш муҳим аҳамият касб этади.

¹⁷ Абрамов В.И. Права ребенка и их защита в России: общетеоретический анализ доктор юридических наук. – Саратов, 2007. – С. 455.

¹⁸ Шарипов Ф. Бола ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатлари янада мустаҳкамланади // Электрон манба: <https://uza.uz/uz/posts/bola-huquqlari-va-erkinliklarini-himoya-qilish-kafolatlari-yanada-mustahkamlanadi> (мурожаат вақти: 21.02.2024).

¹⁹ Дусмухамедова Н.Н. Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланиши ва такомиллаштириш муаммолари: юрид. фан. фалс. докт. (PhD) дисс. ... автореф. – Т., 2021. – Б. 12.



Ўзбек тилининг изоҳли луғатида келтирилишича, “ҳимоя” сўзи “ҳимояланмоқ” фелининг ўзаги бўлиб, “ҳимояси олмоқ”, “қўриқламоқ”, “қўллаб-қувватламоқ”, “ҳомийлик қилмоқ” маъноларини беради²⁰.

Миграция бўйича оммавий ахборот воситалари учун глоссарийда эса, “ҳимоя” тушунчасига “тегишли ҳуқуқ нормалари (яъни, инсон ҳуқуқлари, халқаро гуманитар ҳуқуқ ва қочоқлар ҳуқуқига оид ҳуқуқ)га мувофиқ инсон ҳуқуқларини тўлиқ ҳурмат қилинишини таъминлашга қаратилган барча фаолият” сифатида таъриф берилган²¹.

Айрим юридик адабиётларда келтирилишича, ҳимоя қилиш тушунчаси – муҳофаза қилиш, мудофаа қилмоқ, сақламоқ маъноларини билдиради²². Мазкур тушунчаларнинг мазмунини турлича баҳолаш ҳолатларини ҳам кузатиш мумкин. Баъзи тадқиқотчилар томонидан бир-бирига мутаносиблик, айнанлик мавжудлиги тан олинса²³, бошқа тадқиқотчиларнинг фикрига кўра “ҳимоялаш” тушунчаси “муҳофаза қилиш” тушунчасига нисбатан торроқ мазмунга эгаллиги таъкидланади²⁴. Фикримизча, “муҳофаза қилиш” ва “ҳимоя қилиш” тушунчалари бир-бирига мутаносиб ҳисобланади. Бироқ бугунги кун амалиётида “ҳимоя қилиш” атамасидан кўпроқ ҳамда кенг кўламда фойдаланиб келинмоқда.

Шу билан бирга, алоҳида қайд этиш лозимки ҳуқуқ назарияси ва амалдаги қонунчилигимиз нормаларида “ҳимоя қилиш” атамаси билан бир вақтда “таъминлаш” атамаси, яъни “инсон (бола) ҳуқуқларини таъминлаш” тушунчаси ҳам кенг қўлланилиб келмоқда.

Фикримизча, бу икки тушунча (“ҳимоя қилиш” ва “таъминлаш”) ўзбек тилида турлича мазмун-моҳиятга эга эканлигидан келиб чиқиб, давлат сиёсатининг бола ҳуқуқ ва манфаатлари билан боғлиқ фаолиятини қўйидаги икки йўналишга, яъни *биринчидан*, боланинг ҳимоя қилиниши зарур бўлган ҳуқуқлари; *иккинчидан*, боланинг таъминланиши зарур бўлган ҳуқуқ ва манфаатларига ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Масалан, боланинг таълим олишга оид ҳуқуқлари давлат томонидан таъминланса, унинг шаъни, қадр-қиммати, ҳаёти ҳимоя қилинади. Шундан келиб чиққан ҳолда, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қайд этилган Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги қонунининг 4-моддаси номланишини “Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш **ва таъминлаш** бўйича давлат сиёсати” тарзида ифодалашни лозим деб ҳисоблаймиз.

Умуман олганда, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш деганда – *унга халқаро ҳуқуқ нормалари ва ички қонунчилик билан кафолатланган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириши учун яратиладиган имкониятларни қонун билан муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар тизими тушинилади.*

²⁰ Ўзбек тилининг изоҳли луғати – Ҳ ҳарфи. А.Мадвалиев таҳрири остида (2006-2008) // Электрон манба: <https://ziyouz.uz/durdona-toplamlar/uzbek-tilining-izohli-lugati/> (мурожаат вақти: 23.02.2024).

²¹ Миграция бўйича ОАВ учун глоссарий // Халқаро меҳнат ташкилоти.: Москва, 2022. – Б. 84.

²² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Бешинчи жилд. – Т., 2017. – Б. 413.

²³ Мартыненко Н.Э. Совершенствование уголовно-правовой охраны потерпевшего – задача уголовной политики Российской Федерации // Труды Академии управления МВД России. 2015. – № 3 (35). – С. 12.

²⁴ Бутылин В.Н. Институт государственной правовой охраны конституционных прав и свобод // Российского право. – 2001. – № 12. – С. 17.



Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига мувофиқ (67-модда) бола ўз ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга²⁵.

Боланинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар), қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, васийлик ва ҳомийлик органи, прокурор ва суд томонидан амалга оширилади. Вояга етмаган бола қонунга мувофиқ тўла муомала лаёқатига эга деб эътироф этилса, у ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шу жумладан ҳимоя ҳуқуқини мустақил амалга оширишга ҳақлидир. Таҳлиллардан маълумки, давлат бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тўлиқ кафолатлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

References:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган) // Электрон манба: <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights> (мурожаат вақти: 15.02.2024).
2. Бола ҳуқуқлари мониторинги. Ўқув-услубий қўлланма / Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2011. – Б. 5.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/111189> (мурожаат вақти: 21.02.2024).
4. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси // Электрон манба: <https://lex.uz/acts/104720> (мурожаат вақти: 21.02.2024).
5. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-139-сон Қонуни // Электрон манба: <https://lex.uz/acts/1297315> (мурожаат вақти: 21.02.2024).
6. Международный обзор уголовной политики № 49-50. 1998-1999 гг. ООН и преступность среди несовершеннолетних: Руководство по международным стандартам и наилучшим видам практики. ООН. Нью-Йорк, 1999. – С.11.
7. Отахўжаев Ф.М. Ўзбекистон Республикасининг оила ҳуқуқи. – Тошкент, ТДЮИ, 2005. – Б. 159.
8. Юлдашева Ш.Р. Фуқаролик ва оила ҳуқуқида васийлик ва ҳомийликнинг моҳияти ва уни амалга ошириш усуллари. дисс. ю.ф.н. – Тошкент, Б. 46.
9. Ганибоева Ш. Международно-правовая защита прав ребенка. – Ташкент, Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2003. – С. 6.
10. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сон Қонуни // Электрон манба: <https://lex.uz/acts/3026246> (мурожаат вақти: 23.02.2024).
11. Дусмухамедова Н.Н. Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланиши ва такомиллаштириш муаммолари: юрид. фан. фалс. докт. (PhD) дисс. ... автореф. – Т., 2021. – Б. 12.

²⁵ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси // Электрон манба: <https://lex.uz/acts/104720> (мурожаат вақти: 23.02.2024).



12. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (30.04.2023) // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/6445145> (мурожаат вақти: 21.02.2024).
13. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т. Одилқориев, И.Т. Тультеев ва бошқ. –Т.: «Шарқ», 2009. – Б. 343.
14. Абдулхайрзода Д. Права ребенка как юридическая конструкция // Вестник Науки и Творчества. – 2018. – № 7 (31). – С. 9.
15. Еряшкина Н.С. Понятие прав ребенка в Российском праве // «Научно-практический электронный журнал Аллея Науки» – 2021. – № 12 (63). – С. 2.
16. Қурбонов Ш. “Инсон ҳуқуқлари ва аёлларга нисбатан тазйиқ тушунчаси” // Электрон манба: <https://mingbuloq.uz/index.php/yangiliklar/468-inson-u-u-lari-va-ajollarga-nisbatan-tazji-tushunchasi> (мурожаат вақти: 23.02.2024).
17. Абрамов В.И. Права ребенка и их защита в России: общетеоретический анализ доктор юридических наук. – Саратов, 2007. – С. 455.
18. Шарипов Ф. Бола ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатлари янада мустаҳкамланади // Электрон манба: <https://uza.uz/uz/posts/bola-huquqlari-va-erkinliklarini-himoya-qilish-kafolatlari-yanada-mustahkamlanadi> (мурожаат вақти: 21.02.2024).
19. Дусмухамедова Н.Н. Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланиши ва такомиллаштириш муаммолари: юрид. фан. фалс. докт. (PhD) дисс. ... автореф. – Т., 2021. – Б. 12.
20. Мартыненко Н.Э. Совершенствование уголовно-правовой охраны потерпевшего – задача уголовной политики Российской Федерации // Труды Академии управления МВД России. 2015. –№ 3 (35). – С. 12.
21. Бутылин В.Н. Институт государственной правовой охраны конституционных прав и свобод // Российского право.– 2001. – № 12.– С. 17.